



Ислом Нури

Зайд ибн Собит розияллоху анху ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кишининг фарз намоздан ташқари энг яхши намози уйида ўқиган намозидир», дедилар.

Шарҳ:

Намоз бандани Роббисига яқинлаштирадиган энг улуғ ибодатдир. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кўп намоз ўқиш жаннатга киришга сабаб бўлишини хабар бердилар. Шунингдек, ул зот нафл намозларимиздан бир қисмини уйларимизда ўқишга буюрдилар. Зеро, бундай қилиш амални инсонлар кўзидан яшириб, риёдан узоқлаштиради. Бундан ташқари, оила аъзоларига таълим ва намуна бўлиб, уларни ҳам намозга одатланишларига сабаб бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Нафл намозлар кўп фазилатли бўлиб, улар кишининг жаннатга киришига сабаб бўлади.
2. Нафл намозларни уйда адо этиш афзалроқ.
3. Масжидда суннатларини ўқимаган одам ҳақида «уйида ўқиса керак» деб, чиройли гумон қилиш